

Ishonch


2019 йил 14 февраль • пайшанба • № 23 (4152)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қошқадарь вилояти

2019 йил – Фаол инвестиция ва ижтимоий ривожланиш йили

Очиқ интервью



ИНВЕСТИЦИЯ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Китоб туманидаги «Сафит Карб» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига микрокальцит ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида қарийб 456 минг доллар қийматида хорижий инвестициялар киритилди.

лаб тўла қувват билан ишламоқда, – дейди корхона иш бошқарувчиси Жамшид Рўзиев. – Дастлаб цехларда тайёрланган микрокальцитни хомашё сифатида ички бозорга чиқарган бўлсак, ўтган йилдан бошлаб экспортни йўлга қўйдик. Бундан ташқари, мел ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошди. Инвестиция маблағи эвазига 2018 йилда хориждан тош майдалайдиган замонавий тежамкор ускуналар, хомашёни ташувчи юк машиналари харид қилинди.

Унга кўра, туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 10 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Аҳамиятlisi, жалб этилаётган маблағнинг 239 миллион 240 минг АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ў. БАРОТОВ,
ЎЗА сурамухбири

Мавзуга доир маълумот: Китоб туманида 2019-2020 йилларда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Унга кўра, туманда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 10 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 700 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Аҳамиятlisi, жалб этилаётган маблағнинг 239 миллион 240 минг АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мақсадимиз – одамлар розилигини таъминлаш, юрт иқтисодиётини юксалтиришга муносиб улуш қўшиш

Навоий вилояти ҳокими Кобул Турсуновнинг «Ishonch» газетасининг 2019 йил 22 январдаги 12-сонига «Очиқ интервью» руқни остида берилган саволларга жавоблари

– Сиз катта салоҳиятга эга вилоят ҳокими ҳамда шу заминнинг фарзанди сифатида айтинг-чи, 2018 йилда Навоий вилоятида амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлдимми?



Умуман олганда, вилоятимизда ортда қолган йил улкан ютуқлар йили бўлди. Шу билан бирга, улар одамларни рози қилиш йўлида ишларимизнинг бир дебосасидир, холос.

– Очигини айтганда, амалга оширилаётган ишлардан асло қониқмайман. Чунки, олдимизга қўйилган мақсадлар улкан. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор йўналишларнинг барчаси халқимиз розилигини таъминлашга қаратилган. Бу жабҳада эса бажарган ишларимиздан кўра, амалга оширишимиз лозим бўлганлари кўп. Эеро, Алишер Навоий таъкидлаганидек, «Нафнинг агар халққа бешақдурур, билки, бу нафъ ўзунга кўпрақдурур».

Шундай бўлса-да, йил давомида бу борада етарли тажриба ва малака оширилди, бир қанча лойиҳаларга мустақам пойдевор қўйилди. Мисол учун айтсак, йил давомида вилоятда 38273 та доимий иш ўрни яратилди. 21 та ҳудудда «Обод қишлоқ» ҳамда «Обод маҳалла» дастурлари доирасида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Инвестиций дастури асосида 93 та ижтимоий ва инфратузилма объекти бунёд этилди. 52 та қўшма корхона ташкил этилди.

2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан йўл қурилиши 2,5 сув иншоотлари қурилиши 3,9 мактаблар қурилиши 2, мактабгача таълим муассасалари қурилиши эса 4 баробарга ошди.

Бундан ташқари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ўтган йили тижорат банклари 1 454,3 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратди. Натихада улар сони 1810 тага етиб, 2017 йилга нисбатан қарийб 1,6 баробарга кўпайди.

Маҳаллий бюджет ҳудудлар ихтиёрида қолдирилиши муносабати билан ўтган йили 452,5 миллиард сўмлик маблағга эга бўлдик. Бу қўрсаткич 2016 йилга нисбатан 52 баробар, 2017 йилга нисбатан эса 19 баробар кўпдир. Бу биз учун катта имконият, хайрли ишлар учун мустақам иқтисодий асос бўлмоқда.

– Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳокимларнинг мустақил қарор қабул қилиши, ташаббус кўрсатиши, жавобгарликни ҳис қилиши, ижтимоий ҳимояни кучайтириши ва бундан халқни манфаатдор қилиши зарурлиги тўғрисида алоҳида фикрлар бор. Шундан келиб чиққан ҳолда Сиз эртага ёки бугуннинг ўзида қандай қарор билан вилоят аҳлини хурсанд ва манфаатдор қиляпсиз?

– Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир қарор, фармонлари мазмун-моҳияти халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, одамлар розилиги, юртимиз ободлигини таъминлашга қаратилган. Биз ҳам шундан келиб чиққан ҳолда кўплаб чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Шу ўринда айримларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Бундан уч-тўрт йил аввал давлат кўмағида уй-жой, бошпанга эга бўлишни тасаввур этишнинг ўзи мушкул эди. Айниқса, оғир шароитга тушиб қолган, меҳнатга лаёқати чекланган, ногиронлиги бўлган ҳамда эҳтиёжман аёлларнинг бу борадаги орзу-умиди ёлғиз ўзи ва Яратганга аён эди.

Кун саволи
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги эътиборига!

VPN'дан фойдаланиш жиноятми?

2018 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланганлик учун (2787-модда) жиноий жавобгарлик белгиланди.

Айни пайтда кўпчилик интернетдаги баъзи ижтимоий тармоқларга киришда VPN иловасидан (яъни ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда) фойдаланмоқда. Бир қатор интернет сайтларида бу ҳолатнинг мазкур моддага асосан жиноий жавобгарликка асос бўлиши ҳақида фикр юритилмоқда. Бу ҳақиқатдан ҳам қонунга зидми?



14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

«Даҳр аро қолди фалондин яхшилик...»

Жаҳон маданияти тарихида бетакрор сиймо сифатида ўчмас ном қолдирган Заҳириддин Муҳаммад Бобур нисбатан қисқа умр кўрди. Ундан «Бобурнома», лирик шеърлар – ғазаллар, рубоий, туюқ ва маснавийлар мерос бўлиб қолди. «Бобурнома» – Бобур ижодининг қўрғи.

Бунда Бобурнинг қадами етган эл-юртлар тарихи, географияси, наботот ва ҳайвонот олами, об-ҳавоси, маданий муҳит ва турли тоифадаги инсонлар тавсифи мужассам. «Бобурнома» – чархнинг «жавр-у жафо»лари, шoir кўнглига етказган «дард-у бало»лари, тождорлиг-у «балойи таъна»лар ифодаси.

Даврон мени ўткарди сар-у сомондин,
Ойшди мени бир йўла хонумондин,
Гаҳ бошимга тож, гаҳ балойи таъна,
Неларки бошимга келмади даврондин.

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

Ishonch
Доверию

Матбуот бонг уради

Бир йилдан буён беҳуш ётган аёл

Китоб муҳимми ё сериал?

Самарқанддаги 43 қишлоқда алоқа яхши эмас.

Ёки 2019 йилда вилоятда интернет тезлиги нечоғлик ошади?

«Терминалга савдо қилмаймиз...»

Ola.com.uz

NURONIY

Zarafshon

Хоразм ҳақиқати

Улуғ аждодларга эҳтиром

Санатор-курортлар бошқармаси томонидан «Ботаника», «Оқтош», «Умид гулшани» каби бир қатор санаторийларда улуғ шоирларимиз, Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган «Шоирлар султонлари ва султонлар шоирлари» деб номланган адабий-бадий тadbирлар ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар улуғ шоирларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилишди. Санаторийлар ходимлари ҳамда дам олувчилар ўқиган ғазал ва рубоийлар кўнгилларга муҳрланди.

Ўтказилган тadbирлар ййигиланларда катта таассурот қолдирди.

Абду РАҲМОНОВ

Муносабат

Бир неча йил аввал пойтахтимизнинг Қорақамиш мавзесидаги 1-Болалар уйига борган эдим. Бу масканда тарбияланаётган уч юз нафарга яқин болаонинг қай бири ногирон, қай бири жисмонан заиф, яна қай бири ота-онасининг йўлига кўз тикиб эшиқдан кирган кишига жавдираб боқадим.

Жамиятга бегона эмас, даҳлдор инсон вояга етади

Уларнинг қай бирини ёруғ олам юзини кўрганида, илк қадам ташлаганида, илк сўзларни айтганда кимдир хурсанд бўлган, қай бири эса тўғилибоқ оиласидан жудо бўлган ёки «мажбуран» узоқлашган, ташлаб кетилган...

– Аммо бу болалар ҳам яхши яшашга, ҳаётнинг барча шодликларини тотиб кўришга ҳақли, – деган эди ўшанда болалар уйи директори Татьяна Саидова.

Болалар уйида ўнлаб педагоглар, ўнлаб шифокор ва тарбиячи ходимлар шу кичкинтойларнинг соғлом, яхши яшаш учун курашади, уларга астойдил ғамхўрлик кўрсатади, бошларини силаб, ширин сўзлар айтади.

Яна кўплаб идоралар ва яхши инсонлар Болалар уйларидан ўз

Муруватларини аямайди. Турли вазирликлар, элчионалар, халқаро жамғармалар, савдо ташкилотлари, корхоналар ҳар йили болалар уйлари учун анчагина маблағ ажратади. Зарур миқдорда дори-дармон, спорт машғулоти учун анжомлар, кийим-кечак ва ётоқхона мебеллари, ногиронлик аравачалари беришади.

Хуллас, ота-оналари меҳрини ҳис этмасдан вояга етаётган болалар кўнглига шодлик олиб киришга чоғланган хайр-у саховат эгалари юртимизда жуда кўп.

Президентимизнинг «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ана шундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга туртки бўлди, назаримизда.

«Кўчаётган муз» ёхуд Кўшрабoт шифокорларни чорламоқда

Келуси сонларда ўқинг

Янги лойиҳа: «Мактабнинг бир куни» Таълим тизимидаги ислохотлар самара бермоқда(ми?)

Келуси сонларда ўқинг

Фарғона вилояти

Йиғилиш

Фаолият сарҳисоби

Фарғона вилояти бошқармасида бўлиб ўтган жамоа шартномасининг 2018 йилдаги ижросига бағишланган йиғилишда бошқарма бошлиғи Д.Раҳмонов ҳамда бошқарма касабаси уюшмаси раиси М.Қўлдошевнинг ҳисоботи тингилди.

Иш берувчи ва касабакўм етакчиси ходимлар жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёз ва қўлайликлардан тўлиқ фойдаланиб келаётганлиги ҳамда маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш масаласини жамоа шартномаларига киритиш орқали меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялаш йўналишидаги ишлар янги босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Иштирокчилар томонидан жамоа шартномасининг ўтган йилги ижроси ижобий баҳоланди.

Шундай йиғилиш «Адолат» социал-демократик партияси Фарғона вилояти кенгашида ҳам ўтказилди.

Кенгаш раиси Ш.Эгамов ҳамда бошланғич касабаси уюшмаси раиси Б.Азимов ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, соғломлаштириш, маданий-маърифий ишлар ва оммавий спорт йўналишларида акс эттирилган имтиёз ва қўлайликларнинг амалдаги ижроси тўғрисида ҳисобот берилди.

Йиғилишда сўз олганлар жамоа шартномасининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар қўнғирлиги даражасида эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Азизбек СУЯРҚУЛОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

«Ўзбурғунетгаз» акциядорлик жамиятида Қашқадарё вилоятидаги нефт, газ ва геология тармоғи корхона ва ташкилотлари касабаси уюшмаси кўмитаси раислари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Ҳамкасблар анжумани

Хабарингиз бор, шу кунларда барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномасининг бажарилишига доир йиғилишлар ўтказилаётган. Шунингдек, жамоа шартномаларини янгилаш, унга қўшимчалар киритиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Анжуманда сўзга чиққан тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгашининг меҳнат муҳофазаси ва халқаро алоқалар бўйича бош мутахассиси Собиржон Эгамбердиев мазкур масалаларга тўхталиб, меҳнат муҳофазаси тадбирларини ташкил этишга оид тавсиялар берди.


Иш берувчи, касабакўм етакчиси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилнинг вазифалари, улар амалга ошираётган иш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фаолият намунаси йўлга қўйилган ҳолларда муносиб рағбатлантириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Сўнги вақтларда тармоқ касабаси уюшмаси Республика кенгаши қатор хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўймоқда. С.Эгамбердиев Қозғоғистоннинг «Қазмунайгаз» уюшмасида меҳнат муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам ўз мушоҳадаларини билдирди.

Бош мутахассис ўз навбатида касабаси уюшмаси фаолларининг саволларига жавоб қайтарди.

– Давра суҳбати барча учун фойдали бўлди, – деди «Ўзбурғунетгаз» акциядорлик жамияти Бирлашган касабаси уюшмаси раиси Жумакул Курбонов. – Чунки тажриба алмаштириш ва янгиликлар билан ўртоқлашиш ютуқларга замин яратди.

Анвал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири



Сурхондарё вилояти

Бошланғич ташкилотлар доимий эътиборда

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари «Сурхондарё Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамияти бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотидан бўлиб, ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашди. Очiq мулоқотда уларнинг меҳнат муносабатларига оид саволларига атрофлича тушунтириш берилди.

Корхонага қарашли «Биофабрика»да фаолият юритаётган ходимлар билан «Меҳнат қонунчилиги муносабатлари ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақда ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини таъминлаш» мавзусида ўтказилган давра суҳба-

тида ҳар бир аъзо касабаси уюшмалари томонидан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳодимлар учун хавфсиз, муносиб меҳнат шaroитлари яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Бундан ташқари, кенгашнинг ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлари хусусида маълумот берилди.

Республика кенгаши мутахассислари томонидан бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Шавкат ТОИРОВ,


Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Андижон вилояти

Оғриқ тишлар...

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами» бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳужжатларда қисқача шаклда «СТИР» деб юритилишини кўпчилик яхши билади. Шу деганиси, кишиларнинг маълум бир гуруҳ, тоифа ёки ҳудудга мансублигини ифодаловчи «синфдош», «курсдош», «касбдош», «маҳалладош», «юртдош» каби сўзлар қаторига «СТИРдош» деган замонавий атама ҳам қўшилиш арафасида. Андижонлик фуқаронинг бир энлик маълумотнома олиш жараёнидаги асаббурзарликларти ортидан айни шу ҳодиса юз бердики, солиқ органлари ходимларининг «ўзига хос» иш тўтуми тилшунослик ривожига ҳам ҳисса қўшаётганини эътироф этмоқ жоиз.

«СТИР»дошим қайдасиз?..» Ёки «ёт ўчоғига ёғ қуяётган»идан беҳабар солиқ тўловчи саволи



чиқапти. Номингизга умуман очилмаган экан!

– Ҳазиллашасизми? – деди фуқаро ҳанг-у манг бўлиб. – «СТИР» нусхаси қўлингизда турибди-ку?

– Қоғоздагиси эмас, солиқ базасидаги рақам ҳисобга олинади!

Жаҳонгирга 2015 йилнинг 26 январь кунини Балиқчи тумани давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олиниб, 460540750 рақамли гувоҳнома берилганлиги айни ҳақиқат. Шундан бун мунозаам равийда даромад солиғи тўлаб келяпти. Ҳисоб-китоб қилсангиз, катта миқдордаги маблағ келиб чиқади. Буни қарангки, Ж.Содиқжон-

иккита чипта сотган концерт зали мутасаддилари ҳақидаги латифаси ёдга тушади. Шунга ўхшаш ҳолат солиқ амалиётида кўзатилади. Бу ҳақда эшитган одам борки, «Ишқилиб, менинг ҳам «СТИР»дошим йўқмикин?» деган шубҳаларга бораётган бўлса, ажаб эмас.

Солиқ ходимларининг айби билан ўзи беҳабар ҳолда «ёт ўчоғига ёғ қуяиб келаётган» Жаҳонгир Содиқжоннинг эса боши қотган: «Бирор учун солиқ тўлаётганимни маълумотнома олиш баҳонасида тасодифан билиб қолдим. Йўқса, бу ҳол шундай давом этаверармиди? Шунча йилдан бун тўлаган пулларим ҳисобга ўтмайдики энди? Насиб этиб, эрта бир кун пенсия ешига етсам, ортиқча даҳмаза ва оврагарчиликлар гирдобидан қўлиб кетмайманми? Ёки ҳозирданок сарсон-саргардонликнинг олдини олиб, Валентина Петровнани излаб Ангренага қалам тўлашга ҳужжатимизми?» Хуллас, унинг саволлари кўп.

Айни воқеа сабаб бизда ҳам давлат солиқ кўмитасига савол берди: юртимизда «СТИР»дошини излаётган одам фақат Жаҳонгирмикин?

Нурилло НЎЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Хуллас, Балиқчи туманидаги Сиза кишлоғида яшовчи фуқаро Жаҳонгир Содиқжоннинг маълумотнома зарур бўлиб қолиб, Давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилди. Маълумотнома учун фуқаролик паспорти билан бирга солиқ тўловчи сифатида Давлат солиқ кўмитасида рўйхатга олингани ва унга идентификация рақами берилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ҳам керак экан. Жаҳонгир гувоҳнома нусхасини маъсул ходимга тўтқазди.

– Бу «СТИР» сизники эмас, – деди мутахассис ҳужжатни компьютер базасига солиштириб. – Бошқа фуқарога тегишли бўлиб

Хоразм вилояти

Мозийга назар

Ҳожи Рашид афандини биласизми?

Ёхуд Хивада Ҳерман Вамбери уй-музейини ташкил этиш қандай самара беради?

Шарқшунос, тилшунос, сайёҳ ва ёзувчи Ҳерман Вамбери венгер тилининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш мақсадида дастлаб, Истанбулга, кейинчалик, Урта Осиёга саёҳат қилган. У Ҳожи Рашид афанди номи билан маълум муддат Хивада яшаб, хонлик тарихи, маҳаллий халқ аъёнларини, географиясини ўрганган. Унинг «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», «Менинг ҳаётим», «Шарқ

ҳаёти ва урф-одатлари очерклари» каби кўплаб китоблари машҳур.

Яқинда Венгрия миллий музейининг бир гуруҳ мутахассислари Хивага келиди. Мақсад – Ичан қалъа музей-қўриқхонасида ташкил қилинадиган Ҳерман Вамбери уй-музейи фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ишларни режалаштиришдир. Ушбу музейдан Мовароуннаҳр, хусусан, Хива хонлиги ва Бухоро амирли-

гининг ўн тўққизинчи аср ўрталаридаги ижтимоий-иқтисодий тузиллиги, табиий иқлими, географияси, халқларнинг тили ва дини, ҳуқуқ-адолати тўғрисидаги изиланишлар натижаси, илмий-этнографик экспонатлар ўрин эгаллайди.

Урганчада Венгриянинг Ўзбекистондаги факультетида ва мухтор элчиси Санто Петер иштирокида Ҳерман Вамбери ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий анжуман уюштирилди. Унда Венгрия миллий музейи ходимлари ҳамда хоразмлик тилшунос, тарихчи олимлар, музейшунослар маърузалари тингиланди. Музей фаолияти билан боғлиқ ташкилий ишлар муҳофиза қилинди. Таъкидланганидек, Хиванинг Европада доврқ қозонишида Вамберининг ҳам ҳиссаси бор. Унинг номидаги музей ташкил қилиниши сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилиши аниқ.

Ҳерман ВАМБЕРИ

Мухаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Бир танишимдан тасодифан сўраб қолишибди: «Мақтабгача таълим муассасаси нима?» У иккиланиб, тузуқ-қўруқ жавоб беролмабди. Кейин оддийгина қилиб, «боғча бўлса керак-да?» деди.

«Жон»сиз жумлалар

ёхуд тилшуносликда сунъий «ихтиролар»га ҳожат борми?

Бугун тилимизда «ихтиро» қилинаётган айрим сўзлар кўпчилигининг гашига тегаётган бор гап. Мисол дейсизми? Марҳамат: ҳар бир ўзбек киши-сига яхши маълум бўлган оддийгина «боғча» сўзи ўрнига сунъий, ясама бир иборани қўлашга ҳожат борми?! Бу кетишда бир кун келиб «стул»ни «ўтириш воситаси», «сув»ни «ичишга мўлжалланган ҳаётий манба», институт ёки университетни «мақтаб»дан кейинги таълим муассасаси деб айтишимиз, ёзишимиз ҳеч гап эмас. Худди «қишлоқ клуби» узундан-узун, ғайриўзбекча «маданият» ва аҳоли дам олиш маркази»га, «кутубхона» эса «ахборот-ресурс маркази»га айланганидай.

Яна бир сунъий ихтиро: «Маҳалла фуқаролар йиғини». Адабиётшунос Зухриддин Исомиддинов ўз чиқишларидан бирида «маҳалла ёхуд қишлоқнинг эмас, мамлакатнинг фуқароси бўлади», дея ушбу ясама жумлага, бизнингча, ҳаққоний баҳо берган. Боз устига, бирикмадаги биринчи сўз қолганларига грамматик жиҳатдан боғланмаган.

Албатта, бундай «тўқима» жумлаларни қўлаётган мухбирларга бутун айбини тўнкаш адолатдан эмас. Чунки улар шунчаки расмийчиликка амал қилишяпти, холос. Фикримизча, тегишли вазирликлар, мутасадди ташкилотлар филолог ва тилшунослар билан маслаҳатли иш тўтиб, идора

ва муассасалар, муайян ҳудудларнинг умумий номиларини содда-лаштириши, бунда она тилимиз услубияти, лексикаси ҳамда грамматикаси мезонларига тўлиқ риоя этиши зарур.

Қайси газета-журнални варақламанг, қайси теледастури кўрманг, нафақат идора-ю ташкилотлар, балки аҳолининг бирон тоифасини таърифлаш ҳамда номлашда сунъийликка дуч келасиз. «Ногиронлиги бор», «ногиронлиги йўқ шахслар» тарзида «ихтиро» қилинган «ибора»лар фикримизга яққол мисолдир. Оддийгина қилиб «ногирон» ёки «соғлом», «саломат» дейишга нима етсин!

Кимларнидир «уюшмаган ёшлар», «уюшмаган хотин-қизлар»

дея аташ қайси мантиққа хос? Бир вақтлар гитлерчи нацистлар кишиларни олий ва тубан одамларга, марксчи-ленинчилар эса «эксплуататор»лар ҳамда «эксплуатация қилинувчи»ларга ажратган. Бу гаплар энди тарихда қолди. Лекин одамларни «уюшган» ёки «уюшмаган» қабилида тоифаларга бўлиш нафосиниятга тегишдан ўзга нарса эмас.

Хуллас, қайси нашр, теледастури, веб-сайт ўқувчи ёхуд томошабинни қўпайишини истаса, албатта, халқона, жонли, таъсирчан, муҳими, ўзбек тилида мавжуд бўлган жумлаларни ишлатиши жоиз. Бунинг учун бадий ва илмий китобларни ўқиш, лугатлардан тез-тез фойдаланиш, тил бўйича билиминини ошириб бориш, шунингдек, сунъий «ибора» ва «бирикма»ларни «ихтиро» қилишдан қочини зарур. Бу – шахсий фикр. Лекин у ижтимоий фикр ҳам бўлиши мумкин. Нима дедингиз?

Рустам ИБРОҚИМОВ, «Ishonch» мухбири



«Даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ...»



Келган бир дунё ғам ва алам йиллар ўтиб, «роҳат била ишратқа мубаддал ўлди». Бироқ унинг қалби бу билан таскин топмади, тинчланмади, хотиржам бўлгани йўқ.

*Толёй йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Бобур учун киндик қони тўкилган юрти туپроғи жуда азиз эди. Ҳижрон, ёлғизлик, ғам-у аламнинг, эҳтимол, боиси ҳам шундан. Чунки ошиқ висолни, мазлум адолатни, тутқун озодликни, мусофир юртини орзу қилади.

Бобур ўзи эггалган жойларни, жумладан, ҳинд мамлакатини ҳам обод қилди. Буни кейинчалик Жаҳоҳарлаш Неру: «Бобур дилбар шахс, Уйғонши даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди», дея эътироф этди.

Бобур табиатан мард, меҳр-муруватли, саховатпеша, кечиримли. Зотан, тарих саҳифаларида ўзига ёмонлик, баъзида хиёнат қилган, ҳатто ошига заҳар қўшиб ичирган кимсаларни кечирган вазиятлар ҳам битилган. Мухаммад Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий» асарига ёзади: «У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга эди. Барча сифатлари ичидан шижоат ва муруватпешалиги устун келарди». Ўз қилмишлари учун надомат чеккан яқинлари аҳволини тушунади. «Бағрикенг Бобур буларнинг жиҳол тағуборларини одамгарчилик ва яхшилик суви билан ювишга ҳаракат қилди», деб таъкидлайди Мухаммад Ҳайдар Мирзо. Шоир учун «...даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ» деган инсоний тамойил жуда муҳим.

Ҳамма нарса ўткинчи, ҳаммаси йўқликка кетди. «Бори элга яхшилиғ» қилган, башари ятга гўзал асарлар тақдим этган Бобурдан яхшилик, яхши ном қолди.

Баҳоидин ҚАРИМ,
филология фанлари доктори, профессор

Бобур шахсиятида жуда камдан-кам инсонга насиб қиладиган мукамал бир хислат – шоҳ ва шоирлик қисмати уйғунлашди. Дунё ишларига бутун вужуди билан шўнғиш, юртма-юрт кезиб, улкан бир салтанат бунёд қилиш, унинг тинчини сақлаш, оқилона бошқариш – бу бир инсон умрини безайдиган эзгу ташвиш. Айни чоғда кўнгил билан ёлғиз қолиш, қилмишларини тарозидан тортиш, тафаккур оламини кўркем сўзга солиш, ўзини тинимсиз терғаш ва ишдан қониқмаслик, ҳақиқатга мардона қараб, чин ва ҳолис ёзиш, воқеликни ортиқча безатмай баён этиш – жуда оз истеъдодли қалам эгалари мангайлига битилган ёзиқ...

Бобур қалбидидаги ҳижрон ва висол, ғурбат ва вафо туйғулари давроннинг жабр-у жафоларига, «диёр-у ер»ига бориб тақалади. Зеро, васл «ноз йилги ҳижрон»ни унуттиради.

*Ишқ дардини чекиб
ҳар ким топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут
юз йилги ҳижрон шиддати.*

Ишқ дарди ошиқни «жунун аҳли» билан ошно этади. Бунда жунун-у ишқ-у йигитлик бори» қоришиб кетади. Ошиқнинг «телба бўлмоқликдин ўзга» чораси қолмайди. «Ишқ ила девоналиғда бўлмишам соҳиб камол», дейди шунда у.

«Девона кўнгил», «телба кўнгил»ли ошиққа оқилнинг насиҳати ҳам фойда бермайди.

*Кўй, эй оқил, насиҳат сўзларниким
дилписанд эрмас,
Менинг девона кўнгилмаг насиҳат
судманд эрмас.*

Бундай бетакрор инсоний эътирофлар, ўзи ҳақидаги «рост ҳикоятлар» Бобур ижодининг асос-ўзағидир. Зеро, шоирнинг ишқ дафтари вақтлар ва кўнгил дардини теран тушуниш кишини маънан юксалтиради... Бобурнинг ҳаёт йўлида шундай вазиятлар бўлдики, «кўнгли тиланган муродига» ета олмади, аммо орзу-ниятларини, мурод-мақсадларини тарқ ҳам этмади. «Бошини олиб бир сорига» кетиш ғояси шоир ижодида кўп тақдорланади. Ҳижрон, ғурбат ва ғариблик аламиндан унинг «ичи қон бўлди». Бошига

Йўқ, мен ошхонада овқатланиб ўтирган эркаклар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Ошпазлик касби ўз йўлига — пазандалик қилаётган эркаклар ҳам мен эътиборингизни тортмоқчи бўлган мавзудан ташқарида. Бу ўринда мен телевидениеда ошхонада «ўралашиб юрган» эркаклар ҳақида сўз юритмоқчиман.



ОШХОНАДАГИ ЭРКАКЛАР

«КЕЛИН ҲАМ ЧАККИ ЭМАС!»

Ҳа, телевизор қўйилган хонага юмуш билан кирган эдим, «Келин ҳам чакки эмас!» деган иборани эшитиб, тўхтаб қолдим. Яширмайман: бу иборани агар бирор аёл ёки кампир айтган бўлганида, мен парво қилмай хонадан чиқиб кетган, умуман эътибор бермаган бўлардим. Мўйлови шопдай эркак юзини ТВнинг қоқ экранига тутганча, илжайиб «Келин ҳам чакки эмас, хуум!» деса, киши ғалати бўлиб кетар экан. Бошловчининг қизиқиши Ботир Мухаммадхўжаев эканини билганимдан сўнг аввалга бу бирор кино бўлса керак деб ўйлаганим ҳам рост. Аммо...

Майли, қайнона-келин овқат тайёрлар экан, шунга ҳам «ота гўри қозихонами», дерсиз? Сизни билмадими, бироқ менга ошхонада овқат тайёрлаётган икки аёлнинг ўртасига эркак кишининг туриб олиб, гап қўйиши жуда эриш туюлди.

Тасаввур қилинг: ошхонада икки кита стол. Бирини қайнона овқат тайёрлаётди, иккинчисиде келин.

Ботир Мухаммадхўжаев эса келиб гоҳ қайнонанинг қабатида суқилади, гоҳ келиннинг. Оилавий ҳаёт, бошқа икки-чиқирлардан гап сўраб, камарага қараб сирли илжайиб қўяди... Очғи, «Бирга бир» телекўрсатувчи ҳақида сўз юритиб гапни чўзиш ниятида эмасман. Ахён-ахёнда кўзим тушадиган ҳудди шунга ўхшаш бошқа телекўрсатувларни мисол тариқасида санаш учун эса, афсуслар, (балки бу яхшиликкадир) уларнинг номидан беҳабарман.

Аммо, ўйлайманки, қайси доирадаги телекўрсатувлар-у «юқори савиядаги» бошловчилар ҳақида гапирётганимни аллақачон пайқадингиз. Бир эслаб кўринг-а, «Бозор кўрмаган йигит» кинофильмида ўзи учун совчиликка келган йигит газета сотадиган киоскда ўтириб қўлини совуқ сувга урмаддан пул топишини айтиб мақтанганда, ота бўлиши нима дейди? Сўзма-сўз айтолмаётган бўлсам ҳам, у тахминан, «Дўконингизнинг тўғрисида бели майиши, темир йул ётқизаётган аёлларни ҳам кўрасизми?» сўрайди йигитдан. — Уша аёллар нима учун бели майиши ишлаётганини ҳам биласизми? Улар, аслида, бажариши керак бўлган ишларни сизга ўхшаганлар қилаётгани учун...» дейди.

Хулоса ўзингиздан.

Байрам Али ҚўЛДОШЕВ,
журналист

Ҳикмат

Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади, нафаснинг зое бўлишига йўл қўйманг ва ундан эҳтиёт бўлинг.

Баҳоуддин НАҚШБАНД

Жиззах вилояти



Майдонда – таълим ходимлари

Зомин тумани халқ таълими бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюشمаси туман кенгаши ҳамкорлигида мини-футбол бўйича мусобақа ўтказилди.

Саралаш ўйинларида юқори кўрсаткичга эришган 18 та жамоа якуни босқичда ўзаро куч синашди. Қизгин баҳслар якунида 45-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, кейинги ўринлар 18- ва 39-умумий ўрта таълим мактаб жамоаларига насиб этди. Шунингдек, «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши дарвозабон», «Энг ёши улғу футболчи», «Энг яхши ҳакам» номинацияси соҳиблари ҳам аниқланди.

Ғолиб жамоаларга тармоқ касба уюشمаси туман кенгаши ҳамда халқ таълими бўлимининг дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мусобақа таълим соҳаси ходимларининг жисмоний чиниқиши, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган билан катта аҳамият касб этди, — дейди 75-иштирослаштирилган умумтаълим мактаби ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Зиёдулла Шеранов. — Спорт ёш танламайди. Зеро, «Энг ёши улғу футболчи» номинацияси ғолиби бўлганимдан жуда хурсандман. Бу каби тадбирлар соҳа ходимларининг саломатлигини мустаҳкамлаб, касба бўлган иштиқини янада оширишига шубҳа йўқ.

Абдусаттор СОДИҚОВ

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Қашқадарё вилояти

Сўнгги йилларда Чироқчи туманидаги кўпгина тиббиёт муассасаларида жорий таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Эски, анча ночор ҳолга келиб қолган саломатлик масканлари ўрнида қад ростлаган замонавий шифохоналарни қўриб, қўнглингиз юксалади.

Масалан, туман юқумли касалликлар шифохонасини олайлик. Қачон қурилганини кўпчилик эсдан чиқариб юборган бу муассаса анчайин кўримсиз ҳолатда эди. Бунёдкорлик ишларида сўнг асосий бино таниб бўлмас даражада ўзгарди. Деворлар таъмирланиб, пол, шифт ва том қисми буткул янгиланди. Янаям қувончлиси, барча қулайликларга эга, 20 ўринга мўлжалланган ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бу ерда ишлаётганимга 30 йилдан ошди, — деди шифокор Холмўмин Маматов. — Ҳозирги шароитдан беморлар-у шифокорлар бирдек мамнун.

Пахтакор қишлоғидан келган бемор Ихтиёр Йўлдошев шундай дейди:

— Шифохона таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Шифокор-у ҳамшираларнинг ҳам кайфияти аъло.

Энди туман марказидан анчагина олисда жойлашган «Чиял» ҚФЙга йўл оламыз.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари туфайли чекка дашт қишлоқлари ҳам таъминан янгича кўркем қиёфага кирмоқда. Жумладан, Чиял қишлоғида қурилган 30 ўринли янги шифохона ва «Тез тиббий ёрдам» хизматининг Чиял бўлими айнан «Обод қишлоқ» дастурининг амалдаги ифодасидир.

— Барча қишлоқларимиз «Обод қишлоқ» дастурига кўра кўрк очди, — деди биз билан суҳбатда Ҳалалкор қишлоғида яшовчи Холбўта бобо Холиқулов. — Йўлларимизда машина

Ҳикмат

Инсоннинг наздида саломатликнинг баҳоси йўқ, чунки саломатлик бўлмаса, ва фароғат ва на ҳашамат татийди.

Н. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73
www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Бунёдкорлик

кани яна гавжумлашди. Аҳоли ўртасида касалликларни барвақт аниқлаш, профилактик тадбирлар ўтказиш, режа бўйича эмлаш, ҳомиладор аёлларнинг қон таҳлилларини вилоят скрининг марказига юбориш ва ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш ишларини намунали йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Шифокорлик фаолиятим 1985 йилда бошланган, — дейди олий тоифали врач-педиатр Иброҳим Намозов. — 2017 йилда пенсияга чиққандим. Давлатимиз раҳбари-

Эл соғлиги – юрт бойлиги

врачи Намоз Бобонов. — Охири марта 1981 йилда таъмирланганди. Пол ва шиферлари синган, зах ва совуқ хоналардан на беморлар, на шифокорларнинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. 30 ўринли шифохонамизнинг бугунги ҳолатига бир қаранг. Қанчалик қулай ва шинам. Унда 10 ўринли туғуруқхона бўлими, 10 ўринли болалар ва яна шунча ички касалликларга мўлжалланган бўлимлар фаолият юритмоқда.

«Чиял» ҚФЙда аҳоли кўплиги ва қишлоқларнинг туман марказидан 30-40 км. узоқликда жойлашганини ҳисобга олсак, бу тиббий муассасалар сув ва ҳаводек зарур эди...

«Кўкдала» ҚФЙда ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин. Хусусан, Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-сонли поликлиника капитал таъмирланиб, янгича қиёфада аҳолига хизмат кўрсатаётир.

— Поликлиникамиз 115 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди 4-сонли поликлиника мудирини Эркин Бойқулов. — 1994 йил қурилган поликлиника жиҳозлари анча эскириб қолганди. Кенг қўлмали таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 2018 йил ноябрь ойида фойдаланишга топширилган шифо мас-



нинг соғлиқни сақлаш соҳаси ишини юқори босқичга кўтариш, халққа сифатли хизмат кўрсатиш, одамлар розилигига эришиш йўлидаги жонбозликларни сабаб уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.

Кўшимча ўрнида айтиб ўтиш жоизки, шу кунларда поликлиника ёнидаги 2-сонли Кўк-

дала худудий шифохонаси худудиде ҳам катта қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этаётир.

Бу ерда реанимация, жарроҳлик, болалар касалликлари бўлимлари таъмирланмоқда. Бундан ташқари, шифохонада «Шошилич тез тиббий ёрдам» бўлимининг ҳам очилиши режалаштирилган...

Эндиги сўзимиз Чироқчи тумани «Хумо» маҳалла фуқаролар йиғини худудидеги 59-оилавий поликлиника ҳақида.

Илгари эски бинода қишлоқ врачлик пункти ходимлари анчайин ноқулай шароитда кўп сонли аҳолига тиббий хизмат кўрсатишарди.

Хўжалик марказидаги бино (олдин колхоз идораси, бироз кейин милиция таянч пункти бўлган) тўлиқ таъмирланиб, янгича қиёфага эга бўлди. Бу ерда 59-сонли оилавий поликлиника ташкил этилиб, худуддаги 19896 нафар аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Жумладан, стоматология, умумий амалиёт шифокори, уролог, ультратовуш текшируви, акушер-гинеколог, лаборатория бўлимлари, шунингдек, «тез тиббий ёрдам» шохобчаси иш бошлади. Янги, ёш, изланувчан мутахассислар ишга жалб этилди.

— Ошқозоним безовта қилганди, — дейди Фаёза Абдуллаева. — 59-оилавий поликлиникага келиб, текширувдан ўтдим ва шу ерда муолажа оляпман. Туман марказига бориб, навбат кутиб ўтирдан кўра, уйимиз яқинидаги поликлиникада даволаниш жуда қулай.

— «Тез тиббий ёрдам» шохобчасида 14 нафар врач, 11 нафар диспетчер, 10 нафар фельдшер ва тўрт нафар хайдовчи ишлайди, — дейди шохобча мудирини, умумий амалиёт шифокори Шуҳрат Нормуродов — тўртта қишлоқ аҳолисига хизмат қиламиз. Илгари қақирлаган жойга анча кечикиб борар эдик. Энди эса тезкорлик, аниқ ҳамда тўри таъхис қўйиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратаётим...

Бугун Чироқчи туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, қурилган ва капитал таъмирланган тиббиёт масканлари, ҳеч бир муболағасиз, узукка кўз қўйгандек бўлди. Шу боис, ҳамманинг дилида шукроналик, миннатдорлик туйғуси жўш урмоқда. Бу тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотларнинг амалий натижасидир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Жиззах — (+998-99) 889-90-25
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-91) 537-61-76
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

Навбатчи муҳаррир:
Т. Шернаев
Мусаҳҳиш:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов
ЎЗА Якуни — **02:30**
Топширилди — **02:50**
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма **Г — 217**, 30611 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**
1 2 3 4 5 6